

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Чиноз райони пахтакорлари термини биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Шу муносабат билан пахта заводида ўтказилган митинг катта байрам тусини олди. Суратда: оқ олтин қизид карвонлари.

№ 173 (2685).

7

СЕНТЯБРЬ
ПАЙШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КАЛИНИН РАЙОНИ МЕҲНАТКАШ- ЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланиб меҳнат қилаётган Калинин райони меҳнаткашлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар ўзининг беш йилликнинг унчи йили план тошпириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, зарбдор йил ҳалқ хўжалик планларини 5 сентябрда ортиги билан бажардилар.

Тошкент шаҳри аҳолиси ва мамлакатнинг бошқа саноат марказларида 80 минг 250 тонна сазбавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 минг тонна кўпдир.

Картошкорлар ҳам қувончи натижаларини қўлга киритишди. Улар давлатга 9681 тонна картошка етказиб берди, бу борадаги йиллик ҳалқ хўжалик планини 124,1 процент қилиб бажардилар. Район хўжаликларидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1320 тонна қўп картошка етиштирилди.

Эл дастурхонида 6550 тонна хўл мева етказиб берилди, ҳалқ хўжалик плани 167 процентга етказиб адо этилди. Шу қилларда район колхоз ва совхозларида иккинчи йиллик план миқдоридан хўл мева тайёрлаш учун кураш қилиштириб юборилган.

Ғаллакорлар ҳам катта ютуқларини қўлга киритиш-

япти. Ҳозиргача давлат қабул пунктларига планда қўзда тутилган 390 тонна ўрнига 1780 тонна дон етказиб берилди. Жамғарилган ғал- ланинг 380 тоннасини мак- кажухори дони ташкил эт- гади.

Сазбавот ва картошка етиштиришни ва давлатга сотишни қувватлироқ, ян- вабо район хўжаликларидан деҳқончилик маданиятини юксалтириш, илгори техноло- гия ва фан ютуқларини иш- лаб чиқаришга кенг жорий қилиш туфайли эришилди. Колхоз ва совхозларда йил сайини қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошиб бормоқда.

Район меҳнаткашлари эришган бу катта ғалабага «Хасков» «Партия XXI съезди», «Назарбек», «Қо- расув», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозлари, «Москва», Оржоникидзе но- ми, Калинин номи, «Партия XX съезди» колхозлари му- носиб ҳисса қўшилилар. Бу хўжаликларда қишлоқ хўжа- лик маҳсулотлари етишти- риш ва давлатга сотиш анча қўпайди.

Оржоникидзе номи кол- хоздан Нуруллоев, Рўзиев ў- тоқлар бошчилик қилаётган бригада аъзолари ва район- нинг 15 бригада коллективни зарбдор йилда иккинчи йиллик план миқдоридан қишлоқ хў- жалик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашайтирдлар.

Район чорвадорлари ҳам муайян ютуқларини қўлга ки- ритишяпти. Ўтган 8 ой да- вомида давлатга 3213 тонна гўшт сотилиб, йиллик план 143 процентга бажарилди. Шу давр мобайнида планда қўзда тутилган 4225 тонна ўрнига 6026 тонна сўт со- тилди. Дағал хашак тайёр- лаш йиллик тошпириғи 102,5 процентга бажарилди.

Саноат корхоналари кол- лективлари ҳам қувончи натижаларга эришяптилар. Шу йилнинг ўтган 8 ойида 90 миллион 622 минг сўм- лик саноат маҳсулотлари реализация қилиниб, 8 ой- лик план 102,7 процентга бажарилди.

Барча колхоз ва совхоз- ларда етиштирилган ҳосия- ни йилги тошпириғи олин ва дав- латга сазбавот, картошка, мева, узум, полдиз маҳсулот- лари сотиш қизғин давом эт- моқда. Шу билан бирга 1979 йил ҳосили учун му- саттаҳам замин яратилмоқда.

Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми ва Ўзбеки- стон Компартияси Марказий Комитети X Пленуми қар- орларини бажара бориб, СССР янги Конституцияси қабул қилинганининг 1 йиллигини давлатга 105 минг тонна сазбавот маҳсу- лотлари етказиб бериш учун мавжуд резерв ва имконият- ларини ишга солишмоқдалар.

ПАХТА КОМПЛЕКСИНИНГ ЭКОНОМИКАСИ

«Пахта» комплекс про- граммасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг иқтисод- дий проблемаларига бағиш- ланган илмий-амалий конфе- ренция 6 сентябрь кунин Тош- кентда ўз ишнинг тамомила- да, Унда мамлакатнинг 50 та илмий марказдан келган олимлар ва мутахассислар иштирок этишди.

Конференцияда ҳалқ хў- жалигининг пахтачилик ком- плексини партия XXV съез- ди, КПСС Марказий Коми- тетини 1978 йил июль Плену- ми қарорлари асосида рив- ожлантиришнинг иқтисод- дий, илмий-техникавий ва бошқа жиҳатлари билан

алоқадор қўлдан-қўп маса- лалар кўриб чиқилди. Янги ва секция мажлисларида олимлар билан мутахассис- лар пахтачиликни янада рив- ожлантиришнинг ақтуал проблемаларини ҳалқ хўжа- лигининг турдош тармоқла- ри билан муносабатда ўзаро боғлаб ишлаб чиқиш иши қандай олиб борилаётгани- ни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистонда пахта комплек- сини энг маъмул тарзда таш- қил этиш тажрибаси ўрга- нилди, бу ерда пахта етиш- тириш ва уни қайта ишлаш структурасини такомиллаш- тиришга, барча бўғинларини иқтисодий-математик модел-

лаш методлари асосида рив- ожлантиришнинг оқилона йўналишларини белгилаш ва уларнинг ишини ўзаро боғлаб планлаштиришга оид бир қанча экспериментал ва- зифалар ҳал этилди.

Шу тажрибани мамлакат- нинг бошқа пахтакор респуб- ликаларида тadbир этиш та- сиси қилинди. Илмий тadbир- қотларни янада ривожланти- риш ва мувофиқлаштириш йўллари белгиланди. Ўрта Осиёда ҳалқ хўжалиги пахта комплексининг иқтисодий, план ва илмий-ташкилий проблемаларини ишлаб чиқа- диган махсус илмий марказ тузиш мўлжалланди.

ЯНГИЙЎЛДА ПАХТА ҚИЗИЛКАРВОНИ

Янгийўлнинг янги маркази Гулбаҳор республикамининг энг кенжа посёлка- ларидан бири. Қисқа вақт ичида бу ерда кенг кўчалар очилди, маъмурий ва ту- рар-жой бинолари қад қўтарди. Қўла- лардор посёлканинг бугунги жамоли та- момила ўзгача. Ундаги қизил ашволлар- га дил сўзлари ёзиб қўйилган.

Марказий кўча бўрилишидаги кўрғаз- мага назар ташлаймиз. Район меҳнат- кашларининг беш йилликнинг зарбдор йилидаги вазифалари рақам ва диаграм- маларда ўз ифодасини топади. «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қар- орларини амалга ошира- ми!» «Ҳалқ меҳнат қилиб кўпроқ маҳсулот етиштирамиз!» деган плакат- ларга кўзнинг тушди.

Янгийўлликлар 40 минг тонна «оқ ол- тин» етиштириш борасидаги сўзлари- нинг устидан чикиш учун йил бўйи ҳор- май-толмай меҳнат қилишди. Табиат ин- жикликлари билан мардонавор енгиб тўла гектарлар ҳосил қилиш учун курашди- лар. Ҳар бир кўчани қалб ҳарорати би- лан парварит қилишди. Сувдан, ўғдан, техникадан моҳирлик билан фойда- ланилди. 50 центнерлар ташаббуси- нинг бой тажрибалари кенг оммалашти- рилди.

Мана посёлка ёнидаги далаларни ай- ланиб кўринг, ҳавасингиз келадир. Ча- ноқлардаги дўппи-дўппи момиқ пахталар очилиб турибди. Гўё улар, тезроқ териб, заводга жўнатишга дейишга ўхшайди. Деҳқон қанчалик дала айланса, бўлиқ кўсақлар кўз ёриб очилаверади. Ўзани шомоллаш ташлашди. Пастиги шохлар- даги кўсақлар оёқ кўш нурдан кўпроқ баҳраманд бўлиб очилишни тезлашти- радилар.

Хибондаги скамейкаларнинг бирида иккинчи кўюқ суҳбатлашиб ўтирибди. Улар билан танишдик. Бири Ленин но- ми колхознинг механизатори Х. Ҳасан- бов, бири эса Калинин номи колхоз- нинг «зангори кема» капитани И. Ру- сатов экан. Ўтган йили мавсумда 106, 128 тоннадан пахта теришди. Бу йил- ги режалари яна ҳам улкан 200 тонна- дан «оқ олтин» теришга аҳд қилишган.

— Оғирлик қилмайдими? — Йўқ, ишнинг икки сменда ташкил қилишни ҳозирдан планлаштириб қўй- лик. «Пўлат от»-ларга тиним бермаймиз. Район хўжаликларидан 200 механизатор бор. Улардан 50 киши 150—200 тоннадан пахта ташкил қилишга аҳд қилишган. 100 дан ортиқ «зангори кема» капитанлари эса 100—150 тоннадан пахта териш юзасидан бир-бирлари билан мусобақалашганлар.

Район хўжаликларидан ҳосили тез ва узоқоқлик билан йиғиштириб олиш учун барча тadbирлар ишлаб чиқилди. Масалан, Ленин номи колхозини олиб кўрайлик, 1460 гектар ерининг ҳар гек- таридан 40 центнердан пахта тошпириб, янги ҳосилдорлигини 6000 тоннага ет- қилишга аҳд қилинган. Пахта теримда инновационлик методни кенг қўлланила- ди. Терим транспорт агрегатлари таш- қил қилинади. 31 та терим машинаси, 18 та кўсақ узин агрегати, иккинчи «под- боршник», 60 та трактор принципи ва бо- шқа зарур транспортлар теримда қатна- шади. Кўнма устакона, техника хизмати кўрсатиш агрегатлари тўхтовсиз ишлаб туради.

«Интернационал». Жданов номи кол- хозини ўз имкониятларини ҳисоблаб чи- қиб, ҳосилининг 100 процентини техника

ёрдамида йиғиштириб олишга аҳд қи- лишган. Н. Ниезов номи, Турсунқулов номи, Калинин номи ва бошқа хўжа- ликларда ҳам ҳосилининг асосий қисми машиналарда териб олинди.

Кундуз соат 3. Районда пахта йиғим- терими ёппасига бошланганлигини хабар беришчи «арнай-сурияларнинг овози» жаранглаб кетди. Мўл ҳосил етишти- ришда жонбозлик кўрсатган йиғиш- қизиларнинг ҳосил байрамга тайёрланган қў- шилар ва рақслари янгради.

Тантанали митингнинг район иккони комитетининг раиси И. М. Шубладзе охиб, пахтакорларни чин қалбдан таъ- риклади. Келгуси ишларга муваффақ- ятлар тилади.

Митингда «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исмаилов, «Партия XXI съезди» кол- хозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Мараҳимов, «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи Ф. Абду- раҳмонов, пахта заводининг директори Т. Исоқов, Жданов номи колхоз раиси Т. Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқишди. Ҳосили тезда ва нобуд қил- май йиғиштириб олиш соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлашди.

Митинг қатнашчилари пахта тайёрлаш та- шкили 10 октябрдаги бажаришга аҳд қилди.

Тантанали митинг тамом бўлди. Янги ҳосил ортидан пахта қизил карвонлари завод томон йўл олади. Ўша кун «Ком- мунизм» Х. Турсунқулов номи, «Ле- нинизм» колхозини, Калинин номи кол- хоз деҳқонлари йиллик планини 1,5—2 проценти миқдоридан пахта тошпири- лар.

М. ГОЗИЕВ.

МАШИНА— МАДАДКОР

Бекобод районидаги Дзержинский номи колхоз механизатори Ю. Қалаидаров юқори кўрсаткичларга эришди. У ҳар кун 14 гек- тар майдондаги гўзаларни дефолантлар билан дор- иламоқда. Бу — нормада кўзда тутилгандан 6 гектар кўпдир. Хўжаликдаги бош- қа тракторчилар ҳам ана шу ишни тез суръатлар би- лан бажармоқдалар. «ОВХ-14» маркали 8 та пурақич- нинг ҳаммаси далага ўнқа- рилди.

«Зангори кема»лар учун бўрилиш майдончалари тай- ёрланмоқда, агрегатларини содлан сифати текшириб қўрилмоқда. Бу агрегатлар колхоз далаларида етишти- рилган мўл ҳосилини тез йи- гиштириб олиш имконини беради. Деҳқонлар 1800 гектар майдонининг ҳар гек- таридан 33 центнердан пахта териб олишни мўлжалла- моқдалар.

(ЎзТАГ).

риб бажаришяпти. Ғ. Шоди- ев тўрт йилдан буйи ра- клит вазифасида ишлаб кел- япти. Бу давр ичида у мала- кали ишчи бўлиб етишди. У бошчилик қилаётган брига- да коллектив ўтган ойнинг ўзида пландагига қўшимча

65 минг метр газлама иш- лаб чиқариб, мусобақа го- либ бўлди. Комсомол ёш- лар коллективни ютуқларини мустаҳкамлаб, янги мар- раларни қўзлашмоқда.

Р. АРСЛОНОВ.

Суратда: (чапдан) Ғ. Шо- диев ҳаммаси Х. Муродов билан гул босиш машинаси олдида.

В. Апасов фотоси.



ГАЗЛАМАДА БАҲОР АКСИ

ЦЕХГА киришнингиз бил- лан ранго-ранг гуллар очил- иб ётган баҳар ҳис қила- сиз ўзингизни. Фақат бу ер- да ана шу гулларнинг ан- воий бўйи омас, турли хил бўёқларнинг ҳиди димоққа урилади. Қатор ўрнатилган машиналарда турли хил чил- тарларга шитиб билан гул босляпти.

Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фаб- рикасининг чилта гул босиш цехида «Ягодка», «Мал- мал», «Сатин» газламалари давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти. Бундан ташқари, яна бир неча хил янги газламалар давлат Си- фат белгиси учун тайёрлан- моқда.

— Бу киши фабриками- нинг илгори ишчиси Муборак Адиятуллин, — дея таниш- тириди цех партия ташкил- ланиш секретари Мария Мо- слягина, гул босиш маши- нисида ишлаётган кишининг

олдида яқинлашганимизда. — Ҳурмат Белгиси ордени кавалери, коммунистик меҳ- нат зарбдори М. Адиятуллин корхона ветерани ҳамдир. Бу киши 25 йилдан буйи раклит касбини шарафлаб келаяпти.

Цех пешкадамлари ҳақи- да гап кетганида III-даража Меҳнат шухрати ордени ка- валери Игорь Тумаев, ил- гори ишчи Абдувоҳид Мир- заевлар номи ҳам тилга оли- нади. Улар сменда норма- дан 18,5 минг метр ўрнига 21—22 минг метр газлама- га гул босишмоқда.

Бригадаларо соци- алист мусобақада Гофир Шодиев бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси пешка- дамлик қилапти. Улар Ле- нин комсомолнинг 60 йил- лик юбилейга муносив меҳ- нат армуғонлари билан бо- риш иштиёғида суръатла- суръат қилиб смена тошпи- риқларини мунтазам оши-

ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ «СИБИРЬ ГРАФИГИ»

Тошкент «Подъёмник» заводи Абақанга кўприк электр қраларини туртинчи квартал фондида бўйича жўнатди. Сибирь ва Узоқ Шарқ буюртмалари бажари- ланишни контроль қиладиган завод штаби Сибирга йил бо- шидан буйи 12 жойга буюм- лар муддатидан илгари жў- натишганини таъкидлаб ўтди.

Завод коммунистлари учун Сибирдан зарбдор куралиш- лар ва ёш саноат корхонала- рининг буюртмалари энг му- ҳимдир. Улар ана шу буюрт- маларини тайёрлашда ишти- рок этиш ҳуқуқини учун мусо- бадада пешкадамлик қилмоқ- далар. Партия аъзолари Б. Бочков, И. Ченан, Г. Микун- шин биринчи кварталда му- собақа пешкадамлари бўлиш- ди. Уларга ва уларнинг ҳам- касб ўртоқларига Абақан ва- гонсозлик заводи учун қран-

лар йиғиб бериш тошпирил- ди. «Сибирь графиги» бўйича ишлайдиган бу бригадалар- нинг ишини корхона комму- нистлари тузган штаб муво- фиқлаштириб туради. Штаб аъзолари ҳар кун коллек- тивлар мусобақасини ақун- лаб, энг яхшиларнинг тажри- басини оммалаштиради. «Молния» ва «Янговар ва- рақалар» ҳар бир эришилган меҳнат ғалабасини тез-тез билдириб туради.

Заводада мусобақа янада таъсирчан бўлиб қолди. Бу- ни бутун корхона иш нати- жаларида сезиш мумкин. Йил бошдан буйи бутун маҳсулот каттаги нарядлар асосида аниқ белгиланган муддатларда ёки муддатидан олдин жўнатилмоқда.

(ЎзТАГ).

100 МИЛЛИАРД КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

Ўзбекистонда энг катта Тошкент ширкати электр станцияси 5 сентябрда 100 миллиард килловатт-соат электр энергияси ҳосил қил- ди. Бунинг учун 14 йил— дойида қўзда тутилган- дан анча камроқ вақт ке- рак бўлди. Шу йиллар ичи- да станциянинг машина-ус- куналари тамомла та- комилилаштирилди. Бу нарсга ГРЭСдаги 12 блокнинг ҳар биттаси қувватини ошириш- га, уларнинг янада пухта- роқ ишлашига имкон берди.

(ЎзТАГ).

ОҚЎРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Оқўрғон район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида ташкилий маса- ла муҳокама этилди. Пленум К. А. Кинини бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия коми- тетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифалари- дан озод қилди.

Тошкент область партия комитети ташкилий-партия- вий бўлимининг инструктори бўлиб ишлаб келган Ш. К. Гатаулин Оқўрғон район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент область партия комитети- нинг иккинчи секретари В. В. Окунский иштирок этди.

Билдириш

Халқ депутатлари XVI чакирин Тошкент область советининг VI сессияси 1978 йил 11 сентябрь кунини эрталаб соат 11.00 да Ўз- бекистон КП Тошкент об- ласт комитетининг маж- лислар залида очилди. Депутатлар шу бинонинг ўзида соат 9.00 дан бошлаб ўйналди олинди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ ОБЛАСТ
СОВЕТИНИНГ ИККИ
КОМИТЕТИ.



Яқинда Ясная Полянадаги буюк ёзувчи уй-музейнинг реставрацияси ниҳолсига етди. Бу ерда Л. Н. Толстой ярим асрдан ортиқ умрини ўтказиб, ўзининг ўлмас асарларини яратди. Музейда В. Г. Чертков 1906 йилда яшлаган ёзувчи портрети алоҳида ўрин тутди.

ЖАҲОН адабиёти ҳазинасини бебаҳо ва беназир бадий дурдоналар билан бойитган буюк ёзувчилар ҳаёти ва ижодий йўлини таърифлаш, уларнинг инсоният маънавий тақомилдаги ўрни ва аҳамиятини тўғри белгилаш гоят мушкул вазифадир. Буюкларнинг буюми, адибларнинг адиби бўлган Лев Толстойга гениал санъаткор тўғрисида фикр юритиш, ижодига баҳо бериш яна ҳам машаққатли ва масъулятлироқ.

Шу кунларда юз эллик йиллик юбилейи бўлган дунёда кенг нишонланган Лев Николаевич Толстой 1828 йилнинг 9 сентябрыда Тула областининг Ясная Поляна қишлоғида дунёга келган. Бўлажак ёзувчининг бобо-калонлари Россиянинг таниқли зоогагонларида бўлиб, подшо саройига яқин кишилар эди. Икки ёшда онаси, тўққиз ёшда эса отасидан етим қолган болани қариндош-уруғлари тарбия қилишди, дворян оилалардаги аёнанага кўра, муаллим ёллаб унда ўқитишди. Болалигидек рус ва араб эртаклари, рус кўчиқлари, Пушкин шеърларидан қаттиқ таъсирланган адабиётга ихлос қўйди, шеърлар машқ қилди. 1841 йилда Толстойлар оиласи Қозонга кўчиб боради. Маълум тайёргарликдан кейин у 1844 йилда Қозон университетининг араб — турк филологияси факультетига кирибди. Бир йилдан факультетга ўқиниш юрдики факультетга кўчиради. Ж. Ж. Руссо асарларини синхронлаб ўрганиши, Ф. Шлегел, Ч. Диккенс, Л. Стерн, Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Тургенев асарларидан илҳомланиши шу йилларга тўғри келади. Ўқиниш тугатмасдан 1847 йилда университетни ташлаётганда кейин Толстой ҳаётдаги ўз ўрнини қидирган, турли-туман ҳунар, касб-корларни қилиб кўрган: деҳқонлар турмушини қайта кўришга ҳаракат қилди, Петербургга бориб ҳуқуқ бўйича кандидатлик диссертацияси олиш учун имтиҳон топширади. Тула губернияси идорасига киши қиради, музикага қизиқади, катта қайиқда Волга бўйлаб Астраханга боради, бу ердан акиси хизмат қилаётган Кавказга жўнайд.

Кавказда ўтказилган 1851—52 йиллар Толстойнинг маънавий ҳаёлини, инсон сифатида шайланганда муҳим босқич бўлганлигини ёзувчи ўз кўндалилиларида эътироф этган эди. Дарвоқе, Толстой 1847 йилдан умрининг охиригача тутган кўндалилида ёзувчи шахсиятини ўрганишда, кўпгина асарларининг яратилиш тарихи ва жараёни билан танишмишда гоёт катта қимматга эришди.

Толстойнинг эълон қилинган биринчи асари «Болалик» кассисек ёзувчилар ва китобхонлар оммасининг эътиборини ўзига тортди. Н. Некрасовнинг мактовига сазовор бўлди. Мазкур касса ёзувчининг «Эспиритлики», «Бешик» асарлари билан ҳам бўлган ҳолда ўтган ер ўрталаридаги рус ҳаётининг ҳақиқий манзарасини китобхон кўз олдига яққол келтиради.

1851—54 йиллардаги ҳарбий хизмати унинг ҳаёти ва ижодига бурилиш ясади. Армия ҳаёти ёзилмак асарлари учун материал бўлди, ҳарбий ишларни ислоҳот қилишнинг лойиҳаларини тузишга олиб келди, «Харбий варақ» журналини ташкил этиш фикрини уйғотди, сатirik характердаги «Солдат кўчиқлари»нинг эълон қилинишига туртки берди. «Севастополь хикоялари» туркумига кирган бир неча хикозда ёзувчи Крым урушининг манзарасини, оддий солдатларнинг ватанпарварлигини ҳаққоний ёлдолади. Шу хикояларнинг бирида айтилган

ИНСОНИЯТ В ИЖДОНИ

«Мен фақат бир нарсага сажда қиламан, мен учун фақат битта худо бор, у ҳам бўлса ҳақиқатдир» деген фикр ёзувчининг кейинги бутун ҳаёти, ижодий фаолияти учун асосий шioriга айланди.

Ёзувчи 1855 йилда Петербургга боради, ўша даврнинг машҳур адиблари Некрасов, Гончаров, Тургенев, Чернышевский билан яқиндан танишиди. Ўн тўққизинчи асрнинг ўрталари Лев Толстой учун изиланиш, ижодий тажрибалар даври бўлди. У янги-янги мавзу, жанрларга кўл урди, рус ҳаётининг янги қирраларини кўрсатишга интилиди. «Алберт», «Оливейх бехт», «Казаклар», «Люцерн», тугалланмай қолган «Рус помещици» романи сингари роман, касса ва хикояларда даврнинг муҳим социал, ахлоқий масалаларини қаламга олади, турли табақа кишиларнинг қабарик образларини чизади.

Ўз асарларидан кўнгли тўлмага Лев Толстой 1860 йилларга келиб ижоддан бутунлай воз кечмоқчи бўлади; Ясная Полянада деҳқон болалари учун ўзи очган мактабда дарс беради, мамлакатда ва чет элларда ўқув-тарбия ишларининг қўйилишини ўрганади, бунинг учун қатор чет элларга саёхат қилади, «Ясная Поляна» педагогика журналининг нашр этади.

Бутун мамлакатга донгик кетган, кашфетиш, ижодсиз яшашни тасаввур этолмаган ёзувчи бир неча йиллик таъриффулдан сўнг яна иш столига ўтирибди, улкан бадий полотнонинг устида ишлайди.

Бекбёс катта шухрат келтирган муҳим омиллар бўлди. Гарчи асарда улкан воқеалар тасвири катта ўрин тутса-да, қаҳрамонлар тақдирини, психологиясини кўрсатиш, уларнинг фикри ва қалбидagi ўзгаришларини бадий тадқиқ этиш ёзувчининг диққат марказида туради. Асрнинг асосий қаҳрамонлари Андрей Болконский ва Пьер Безуховларнинг ҳаёт йўли кенг эпик планда, улкан воқеалар фонида кўрсатилади. Беш юзга яқин персонажи ўз ичига олган бу романда турли инсон тақдирлари аксониб бир тарзда кўрсатилган. «Уруш ва тинчлик» фақат ёзувчи ижоди ва рус адабиётида улкан ҳодиса бўлиб қолмасдан янги давр дунё адабиётининг беназир асарларидан бирига айланди.

«Уруш ва тинчлик»нинг бекиш шухратидан руҳланган Л. Толстой Петр I давридан хикоя қилувчи янги тарихий роман устида иш бошламоқчи бўлади. Лекин тез орада бундан воз кечади ва яна педагогик ишга берилади. «Алифба», «Янги алифба» китоблари янги яратилган, бу китоблар учун оригинал хикоялар ёзди, халқ эртаклари ва масалларини қайта ишлайди, мактабдаги дарсники давом эттиради.

Мамлакатнинг янги тараққиёт босқичига ўтиш, ҳаётдаги ўзгаришлар ёзувчининг яна бадий ижод жараёнига кайтарди. Натигада 1873—77 йилларда Лев Толстойнинг иккинчи шоҳ асари «Анна Каренина» майдонга келди.

У ўз асарларида шу қадар улуг масалаларни қўй олдики, шу қадар юксак бадий таърифларга қўйилган олдики, натижада унинг асарлари жаҳон бадий адабиётида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллади.

В. И. ЛЕНИН
Лев Толстой асарларида рус халқининг характерини тўла ва кенг қўламда акс этган. Бу асарлар замирига инсон ва она ер ўртасидаги чамбарчас узвийлик, халқ қудратининг тарихда тутган ҳал қилувчи маъна ҳусусидаги фикрлар сингдирилган.

Л. И. БРЕЖНЕВ
Улуг санъаткор — граф Толстой рус адабиётининг фахридир. Эжек-Мелькор де ВОГЮЭ

РУС РЕВОЛЮЦИЯСИННИНГ КЎЗГҮСИ

1863—69 йиллар мобайнида Л. Толстой рус ва жаҳон адабиётида тенги кам буюк асари «Уруш ва тинчлик» эпопеясини яратди. Асарда XIX аср биринчи чоратидаги рус жамияти ҳаётининг кенг панорамаси чизилган. Рус халқининг 1812—14 йилларда Наполеонга қарши кураши бутун қўламли билан тасвирланган мазкур бадий полотнони халқ ва жамият ҳаётининг катта бир босқичдаги улкан қомуши дейиш мумкин. Тасвирнинг бекиш тўла ва муфассаллиги, воқеаларнинг бутун тафсилотлари ва мураккаблиги билан изчил берилиши, жуда кўп ва турли-туман тақдирларнинг бир бири билан боғлиқлиги кўрсатиш, рус турмушининг ҳақиқатини тасвир устаси бўлган Лев Толстойнинг бу асарида айниса яққол қўша ташлавида. «Инсон қалбнинг буюк психологик таҳлили» (Ф.

Толстойда халқ — ахлоқий ва диний ҳаётнинг манбаидир.

Антонио ГРАМШИ

Толстой ўз китобхонада инсон бўлиш истатини унутмади.

Уильям Дин ХОУЭЛС

Мен «Буденброклар» устида ишлаётганимда

Толстой асарларини қайта қайта ўқиганман.

Томас МАНН

Уруш ҳақида ёзилган асарлар орасида энг буюми Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романидир.

Леонгард ФРАНК

Толстойни ўқиганимда тўлқинлар устида ларвоз қилиб ўтатган руҳдек, худдек сезаман ўзим

ин. Толстой — миллионларча руҳлар тўққини, фикрлар уммони... У — бизнинг видонимиз.

Роман РОЛЛАН

МУТОЛААНИ Толстойдан бошланг.

Эриест ХЕМИНГУЭИ

Ў замонанинг энг ҳаққоний кишиси эди. Унинг ҳаёти ҳақиқат излашдан, ҳақиқат сари бетиним талпинишдан, уни амалда қўришга интилишдан иборат эди.

Махатма ГАНДИ

Толстой менга инсонийлик намунасини кўрсатди.

Яшашни мен ундан ўргандим.

Арисия ТАКЭО

Толстой китобхоналарга ўз қалбнинг энг тегаран жойларини оғиб кўрсатди ва шунинг учун ҳам уларнинг қалбига таъсир қилди.

Рашод Нури ГҲНТЕКИН

Лев Николаевич Толстой санъаткор сифатида биз учун битмас-туғанмас маҳорат хазинаси, мактаб, бутун бошлиқ бир академиядир.

Абдулла ҚАҲҲОР



Суратда: Л. Н. Толстой ва А. М. Горький

А Л Л О М А ҲИКМАТЛАРИ

САҢАТКОР ёзувчи

учун талантдан ташқари иккинчи нарса зарур: биринчидан, ҳаётда бўлиши мумкин бўлган нарсани қатъий билиш, иккинчидан, бўлиши мумкин бўлган нарсани ҳудди ҳозир бўлган, уни ҳозир кўриб тургандай тасвирлаш учун унга қатъий ишонилиш лозим. Номус санъаткорларда шуларнинг бирортаси бор, лекин қолганлари йўқ.

ТУКЛИККА шўхлик қилувчи ишратпараст ва ўзинга бикин қўйган киши мутафаккир ва санъаткор эмас.

ОЛИМ ва санъаткорлар етиштириб чиқариладиган ўқув юрталарида тарбияланган ҳамда диплом ва маодий таълим топган киши эмас, балки дилдаги фикрлар ва ифода қилмаслиқка ҳам розм бўлган, лекин энгилб бўлмас икки куч: икки ҳаётга ва ишлар талабини баъжармасдан қолломайидиган киши мутафаккир ва санъаткордир.

САҢАТ асарини яратиш учун ёзувчи яхши билган

нарсани шакшубҳсиз аниқ билиши, улар орасидаги фарқни нозик ҳис эта олиши ва, бинобарин, бор нарсани эмас, балки бўлиши мумкин бўлган нарсани ёзиш керак. Унинг учун бўлиши мумкин бўлган нарсани ҳозир бор нарсаси деб ҳисоблаш лозим.

САҢАТ асари санъаткорнинг нима ёзганига, қандай ва қанчалик юзгадан ёзганига қараб яхши ёки ёмон асар дейилмай.

САҢАТ асар етук бўлиши учун санъаткор ёзаётган нарсани барча кишилар учун мутлақо янги ва муҳим бўлиши учун унинг ўзи ахлоқий, маданият ва бинобарин, худбин ҳаёт кечирмайдиган, балки умуминсоният ҳаётининг қатнашчиси бўлиши лозим.

САҢАТКОР ёзаётган асар тўла-тўқис, янги ва муҳим бўлиши учун унинг ўзи ахлоқий, маданият ва бинобарин, худбин ҳаёт кечирмайдиган, балки умуминсоният ҳаётининг қатнашчиси бўлиши лозим.

Республикамиз нашриётлари

ҳам юбилейга катта тайёргарлик билан келди. Айниқса, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ўзбек китобхонага ажойиб тўхфа тайёрлади: Лев Толстойнинг беш жилдан иборат талланган асарлари она тилимизда нашр этила бошланди. Бу мажмуадан адбонинг ўлмас асарлари — «Уруш ва тинчлик» эпопеяси, «Анна Каренина», «Хожини» романи, «Казаклар» кассалари, бир қанча хикоялари ўрин олган. Мазкур асарлар тарихимиздаги катта таниқли таржуманлар билан қамалган манусубдир.

Лев Николаевич Толстой юбилейи — бутун тараққийпарвар инсониятнинг улкан байрамидир. Бу унутилмас шодлиғнинг гениал санъаткорнинг ўзбекистонлик барча мухлислари ҳам чин юракдан байрам қилади.

С. МАҲМУДОВ.



Ўтган асрнинг ўрталарида чиққан «Современник» журнали ўз атрофида Россиянинг энг илғор ёзувчи ва олимларини тўплаган эди. Гончаров ва Тургеневларнинг журналида актив ҳамкорлик қилишлари сиёсий ва адабий ҳаётга катта таъсир қилган. Буюк Толстой ҳам «Современник»нинг доимий муаллифларидан бири эди. Суратда: «Современник» журналининг бир гурӯҳа ходимлари (чапдан-ўнғига, ўтиришда) Гончаров, Тургенев, Дружинин, Островский, Тургенев — Толстой ва Григорьев.

ТАСС фотохроникалари.

ЁЗУВЧИННИНГ ПЕДАГОГЛИК ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Л. Н. Толстой талантлив ёзувчи бўлибгина қолмай, моҳир педагог, методист олим ҳамдир. У XIX асрнинг II ярмида, хусусан, 60-йилларда Россияда педагогика фанига назарий ва амалий томондан салмоқли ҳисса қўшди.

60-йилларда Россияда ижтимоий-педагогик ҳаракат кенг авж олади. Худди ана шу даврда Л. Н. Толстой педагогика билан амалий тарзда шугулланиб ва ўз олдига рус мактабларини болалар учун энг янги ҳамда керакли даргоҳга айлантириш вазифасини қўлади. Унинг педагогик фаолиятини яққол тасаввур этиш учун шартли равишда ушбу даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр: 1859—1862 йиллар; иккинчи давр: 1869—1876 йиллар; учинчи давр: 1890

йилдан 1900 йилгача бўлган давр.

Толстой 1859 йилда Ясная Полянада ўз ҳисобига деҳқонларнинг болалари учун мактаб очди ва таълим этишдаги ўқувчилар билан биргаликда унда машғулотлар олиб борди.


Дастлабки пайтларда деҳқонлар ўз болаларини Толстой очган мактабга беришга унчалик хоҳиш билдирмадилар. Қалтаклаб ўқитмайдиган бу мактабда болалар нима ҳам ўргана олар эдилар, деган шубҳа ҳам уларда йўқ эмас эди. Лекин, тез орада бу фикр ўзгарибди. Бу — таъоман бошқача мактаб эди. Бошқа ҳамма мактаб ва болалар юрталари болалар кўркувдан эр титраб қатнасалар. Ясная Полянадаги мактабга эрта тонгдан югурар эдилар.

Ҳақиқатан ҳам бу, одатда ташқари ўзига хос мактаб эди. Бундай мактаблар Россияда бошқа ҳеч қайси жойда мавжуд бўлмади. Ўқувчи билан ўқувчилар ўртасида самимий, илқ ва дустона муносабатлар ўша замон шароити учун қутилмаган ҳодиса эканлиги, шубҳасиздир.

Л. Н. Толстой Тула губерниясида маориф ишларини қайта ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Бу даврда унинг ташаббуси билан 20 дан ортиқ мактаб очилди. Ҳазини маориф соҳасидаги таърихиларнинг кенг ёниш мақсадида Л. Н. Толстой 1862 йилдан бошлаб «Ясная Поляна» педагогик журналининг чиқара бошлад ва унинг саҳифаларида «Халқ маорифи тўғрисида», «Савада ўргатиш методлари ҳақида», «Мактабларнинг эр-

кин тарбия топши ва ривожланиши», «Ўқувчиларнинг энг яхши ишлари» каби бир қатор мақоалаларини эълон қилди.

Ушбу рус революционер-демократи Н. Г. Чернышевский Толстойнинг мактабга юқори баҳо берад экан, ундан яхши нитиом, тан ҳазонсининг йўқлиги, ўз жараёнининг яхши ташкил этилгани, болаларнинг муваффақиятли тарзда билим олишлари ҳақида қайд қилди, уларнинг Россияда кўп бўлишига истақ билдирган эди. Шу билан биргаликда, Чернышевский Толстойнинг эркин тарбия масаласидаги нисбатан қарашларини, хусусан, деҳқонлар маорифи ва мактабларга қаршидирлар, деган фикрига жаъобан ўзининг танқидий мулоҳазаларини билдирди. (Давоми 4-бетда).



DATE _____